

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ ГАРОВИДИР

*Нарпай туман Юридик хизмат кўрсатиш маркази*

*Бош юристконсулти*

**Исоқулов Асилбек**

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз “Давлат қонунлар асосида қурилмас екан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади”, деб таъкидлаган едилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади. Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир.

Шу боисдан ҳам барча бўғиндаги кадрлар, у хоҳ вазир, ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил етиши ҳамда биринчи навбатда бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳит яратишимиз зарур.

Инсон манфаатлари юксак бўлган ва фуқаролик жамияти институтлари орқали уларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок етиши таъминланган, қонун устувор бўлган жамият фуқаролик жамияти сифатида еътироф етилади. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг энг асосий белгиларидан бири ҳам давлатда қонуннинг устувор бўлиши ва уларнинг инсон манфаатларига хизмат қилишидир. Шу боис, қайси жамиятда қонунлар устувор бўлса ҳамда инсон манфаатларига хизмат қилса ўша жамиятда фаровонлик ҳукм суради ва инсонларда ҳаётдан розилик аломатлари юксалади.

Қонун устуворлигининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III боб, 15 ва 16-моддаларида белгилаб қўйилган. Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлаш-малари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар” дейилган.

Қонун устувор бўлган жамиятда норозиликлар ҳам бўлмайди, чунки барча соҳа вакиллари қонун асосида фаолият юритар екан норозилик ва тушунмовчиликнинг ўзи бўлмайди. Қонунларнинг устуворлиги жамиятдаги барча фуқаролар учун шу жумладан, давлат хизматида ишловчи шахслар учун, шунингдек жамиятдаги барча соҳаларга тааллуқли бўлганлиги унинг янада муқаммал тус олишиги олиб келади. Қонун устуворлиги ҳақида сўз юритганда унинг устуворлигини таъминловчи давлат органлари ҳақида ҳам унутмасли-гимиз лозим. Чунки қонун қабул қилинишининг ўзи

бу унинг жамиятда ўз-ўзидан устувор хусусиятга ега дегани емас, бунинг учун давлат органларининг бу борада ҳизматлари ва меҳнатлари талаб етилади.